# Ishonch

*Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!*

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan


## ЯНГИ ЗАМОН КЎПРИГИ

*Сиз ҳам Замон Меъморидай меъмор бўлинг, элдошлар,*
*Бедор бўлинг, бедор бўлинг, бедор бўлинг, элдошлар!*

3





*Президент ташрифи таассуротлари*

# Хоразмда бу йил баҳор БОШҚАЧА БОШЛАНДИ

**ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ ҲУДУДЛАРГА ТАШРИФИ ҲАР ГАЛ ТАРИХ САҲИФАЛАРИГА ЗАРҲАЛ ҲАРФЛАР БИЛАН ЁЗИШГА АРЗИГУЛИК ЯНГИЛИКЛАРГА БОЙ БЎЛАДИ.**

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ХОРАЗМГА ҲАР КЕЛГАНИДА ВОҲА ҲАЁТИДА АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК ЯНГИ САҲИФАЛАР ОЧИЛАДИ. ФИКРИМИЗНИ ИСБОТЛАШ УЧУН ҚИЁСАН ИККИТА РАҚАМНИ КЕЛТИРИШ КИФОЯ. ҲУДУДДА ЯЛПИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ 2016 ЙИЛДА 10 ТРИЛЛИОН СЎМ ДАРАЖАСИДА БЎЛДИ. 2023 ЙИЛДА ЭСА 37 ТРИЛЛИОН СЎМГА ЕТДИ. 2016 ЙИЛДА 3 ТРИЛЛИОН СЎМЛИК САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН БЎЛСА, ЎТГАН ЙИЛДА БУ МИҚДОР 21,2 ТРИЛЛИОН СЎМНИ ТАШКИЛ ҚИЛДИ.**



2

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли**

# 1211

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



## Кун нафаси



Жорий йилнинг 29 февраль – 1 март кунлари Ўзбекистон ҳукумати делегацияси Хитойнинг Қошғар шаҳрига ташриф буюрди.

Ташриф доирасида 1 март куни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси сиёсий бюроси аъзоси, Шинжон-Уйғур автоном райони партқўми котиби Ма Синжуй билан икки томонлама учрашув ўтказди.



Ўзбекистоннинг янги тайинланган элчиси Аюбхон Юнусов Кувайт ташқи ишлар вазири Абдуллоҳ Али ал-Яҳёга ишонч ёрлиқлари нусхасини топширди.

«Дунё» хабарига кўра, Кувайт ташқи сиёсат идорасида бўлиб ўтган учрашувда икки томонлама яқин ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари хусусида фикр алмашилган.



Ўзбекистон элчихонасида Корея Республикаси Ички ишлар ва хавфсизлик вазирлиги ҳамда Кёнгбук Миллий университети масъул ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди.

«Дунё» хабарига кўра, унда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги билан жиноятчиликка қарши курашда сунъий интеллект ва ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинган.



Ташқи ишлар вазирлигида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида Британия Ташқи ишлар вазирлигининг Афғонистон бўйича ташқи ва кўп томонлама алоқалар департаменти бошлиғи Никола Ригини бошчилигидаги делегацияси билан учрашувлар бўлиб ўтди.



21-24 март кунлари амалга ошириладиган барча маҳаллий авиақатновлар учун 30 фоизлик чегирма эълон қилинди.

«Uzbekistan Airways» АЖ ахборот хизмати раҳбари Дилором Каимбаеванинг маълум қилишича, ушбу чегирмалардан нафақат юртдошларимиз, балки чет эл фуқаролари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Чегирма асосида тақдим этиладиган авиачипталарни 1 мартдан бошлаб 24 март кунига қадар харид қилиш имконияти бор.

Odami ersang demagil odami,
Onikim yo'q xalq g'amidin g'ami.
Alisher Navoiy

2024-YIL 2-MART,
SHANBA
№ 29 (4937)




# Хоразмда бу йил баҳор БОШҚАЧА БОШЛАНДИ






◄ 1

## ҲАР БИР ИНСОН ЎЗ ҲАЁТИДА ҲИС ҚИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР

«Жонажон Хоразм буюк тарихга, цивилизацияга, маданиятга эга бўлган юрт ва у ҳамма соҳалар бўйича биринчи бўлишини хоҳлайман», деган эди Шавкат Мирзиёев 2018 йил ноябрдаги воҳага ташрифи чоғида.

Воҳа аҳли давлат раҳбарининг ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қилмоқда. Зеро ўзгаришлар самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис қилмоқда.

Биргина мисол. Хивага темир йўл келиши ҳудуд туризм салоҳиятидаги янги юксалишларни, инфратузилманинг мисли кўрилмаган даражада ривожланишини бошлаб берди.

Хивада ўтказилаётган рақс фестиваллари, спорт ўйинлари тез-тез дунё нигоҳини қадимий ва навқирон воҳага қаратмоқда. Илгарилари Хоразмда халқаро тадбирлар кам ўтказиларди. Экологик вазият, сифатли ичимлик суви муаммоси фонида Хива доим иккинчи планда қолиб, туристлар келиши ҳам шунга яраша эди. Эндиликда эса сайёҳлар оқими йилдан-йилга ошмоқда. Аҳамиятли жиҳати, кейинги йилларда Германия, Туркия, Озарбайжон давлатлари Президентлари, бир неча давлатлар ҳукумат раҳбарлари, сиёсатшунослар, олимлар, санъаткорлар, журналистлар ва кўплаб машҳур инсонлар Хивада бўлишди.

Хивада ҳар йили ўтказилаётган «Қовун сайллари» қишлоқ хўжалиги соҳаси жадал ривожланаётганидан дарак. Ваҳоланки, ўн беш-йигирма йиллар олдин бошқа маҳсулотлар қатори қовун етиштириш ҳам улкан муаммога айланганди.

Асосийси, аҳолининг яшаш шароитлари яхшиланмоқда. Саноат, тадбиркорлик соҳалари ривожланиши эвазига муқим иш ўрнига эга бўлган инсонларнинг ҳаётдан розилиги ортмоқда.

Узоқ йиллар давомида воҳада уй-жой муаммоси аҳолини қийнаб келгани рост. Одамлар ҳатто пулига уй ололмаган вақтлар бўлган. Эндиликда ушбу масала узил-кесил ҳал қилинди. Хоразмда баланд иморат қуриб бўлмайди, деган важ-корсонлар ўз исботини топмади. Кейинги йилларда бир-биридан тик, маҳобатли иморатлар қад ростлади. Маълумотларга кўра, ортда қолган 7 йилда вилоятда 5,7 триллион сўмлик қурилиш ишлари олиб борилган. 9500 та хонадон ўз эгаларига топширилган.

Аҳолини энг кўп қийнаб келаётган муаммо ичимлик сув билан таъминлаш масаласи ҳам узил-кесил ҳал қилинмоқда. Аниқроқ айтганда, ичимлик сув билан таъминлаш 2016 йилда 52.1 фоизни ташкил қилган бўлса, эндиликда ҳудуднинг 90,2 фоиз аҳолиси сифатли ичимлик сувидан баҳри дили очилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари яхшиланишига ҳам хизмат қилмоқда.

Гап аҳоли саломатлиги ҳақида кетганида ўтган йилда вилоятда 2 та оилавий поликлиника, 7 та оилавий шифокорлик пункти ва 30 та маҳалла тиббиёт пунктлари янгидан ташкил этилиши натижасида аҳолининг бирламчи тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Давлат тиббий суғуртаси тизимининг жорий этилиши эса кафолатланган тиббий хизмат учун имконият яратди. Ўтган йили вилоятда давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан 14,3 млрд.сўм маблағ эвазига имтиёзли тоифага кирувчи 2 947 нафар шахс ўз соғлиғини тиклашга муваффақ бўлди.

Шубҳасиз, аҳолининг саломатлик даражасини яхшилашда «Яшил макон» лойиҳасининг аҳамияти каттадир. Шу сабаб воҳа аҳли ҳар мавсумда лойиҳада фаол иштирок этади. Биргина 2023 йилда лойиҳа доирасида 14 миллион тупдан зиёд мевали ва манзарали кўчатлар экилди. Асосийси, уларни парваришлашга астойдил эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида эса эндиликда Урганч шаҳри республикамиздаги ҳавоси энг тоза ҳудудлардан бири сифатида эътироф этилаётир.

Янгиликлар нафасини нафақат вилоят марказида, балки олис туманларда ҳам ҳис қилиш мумкин. Кейинги йилларда туманларда чорвачилик, пиллачилик, балиқчилик, пахтачилик, боғдорчилик, узумчилик кластерлари барпо этилмоқда. Маҳобатли саноат корхоналари қад ростламоқда.

Албатта, ҳудудда таълим-тарбия тизими ҳам йилдан-йилга ривожланмоқда. 2023 йилда 2643 ўринли 245 та мактабгача таълим ташкилоти янгидан ташкил этилди. Натижада 3-7 ёшли болаларнинг 81 фоиздан зиёди мактабгача таълим билан қамраб олинди. Шунингдек, тегишли дастурлар асосида 12 та умумтаълим мактабларида реконструкция ишлари амалга оширилиб, янгидан 3 минг 344 нафар ўқувчи ўрни яратилди.

Бундан ўн йиллар олдин ҳудудда биргина Урганч давлат университети фаолият кўрсатган бўлса, эндиликда 5 та давлат, 4 та нодавлат олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрланмоқда.

Буларнинг барчаси ҳудуд кундан-кунга ривожланаётганидан далолатдир.

Давлат раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган Жалолиддин Мангуберди майдони эндиликда Хоразмнинг ташриф қоғозига айланган. Маҳобатли ҳайкалга боқиб, ҳар бир инсоннинг қалбида ғурур жўш уради. Бу ғурур эса миллат равнақи учун бўлаётган ҳаракатларга фаол қўшилишга ундайди.

## ПАХТАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ МУАММОНИ ЮТУҚҚА АЙЛАНТИРДИ

*– Юз йиллар давомида пахта етиштириш халқимиз учун азоб-уқубат бўлиб келган. Мажбурий меҳнат, ўқиш, ишни ташлаб пахта теришга жалб қилинишлар одамларнинг суяк-суягидан ўтиб кетганди. Шунча меҳнатга яраша даромад ҳам арзимгулик бўлса қанийди. Фермерлар кўпинча зарарига ишлашар, сарфлаган маблағларни самара бермай, йилни қарз билан якунлашарди,* – дейди меҳнат фахрийси Амин Вапаев. – *Президентимиз топган оқилона ечим пахта етиштиришни даромадли соҳага айлантирди.*

Дарҳақиқат, эмин-эркинликда пахта етиштириш мумкин экан. Асосийси, етиштирилган пахта чинакамига даромад манбаига айланмоқда. Минглаб мавсумий иш ўринлари яратилишига сабаб бўлмоқда. Бунда эса давлат раҳбари ташаббуси билан ташкил қилинган кластер тизимининг аҳамияти эътирофга лойиқдир. Бу ташаббус тўқимачилик соҳасини иқтисодиёт драйверига айлантирди. Деҳқоннинг бирини икки қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ташрифи доирасида танишгани – «Хива кластер» масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунинг ёрқин мисолидир.

«Хива кластер» фабрикаси Хива туманидаги бўш ётган ҳудудда барпо этилган. Туркия, Германия ва Хитойдан замонавий ускуналар келтирилди. Бултур ноябрда иш бошлаган корхонада 500 нафардан зиёд киши иш билан банд бўлиб, рўзғорини бутламоқда.

Илгарилари ҳудудда етиштирилган пахта асосан хомашё ҳолида сотилган. Бошқача айтганда, воҳа миришкорлари бир гектар майдондан олинган пахтадан ўртача 2000 доллар атрофида даромад қилган. Эндиликда ушбу даромадни камида икки баробар ошириш имкони пайдо бўлди. Жаҳон бозорида бир тонна пахтанинг нархи 400 АҚШ доллари атрофида турганини, уни қайта ишлаш орқали бу нарх 3000 долларгача кўтарилишини инобатга олсак, кластер тизимининг аҳамиятини янада чуқурроқ илғаймиз.

Воҳада кейинги йилларда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5 баробарга, экспорт ҳажми 2 баробарга ошгани айнан кластер тизимининг самарасидир. Хоразмда 25 мингдан зиёд маҳаллий аҳоли тўқимачилик корхоналарида иш билан банд. Уларнинг кўпчилигини аёллар ташкил этади.

«Хива кластер» корхонаси йилига 7 минг тонна ип-калава, 4 минг тонна трикотаж мато, 10 миллион дона тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Уларнинг сифати халқаро стандартларга тўла жавоб бергани боис маҳсулотлар тўлиқ экспортга йўналтирилади.

*– Президентимиз бизга катта туртки берди. Илгари тўқимачилик корхонамизни хомашё билан юз фоиз таъминлаш имкони йўқ эди. Кластер тизими тўғри йўналишда ташкил қилингани сабаб хомашё муаммоси ҳал бўлди. Энди биз фабрикаларимизни кейинги босқичларда ривожлантириш ҳаракатини қиляпмиз. Натижада экспорт салоҳиятимизни оширишда муваффақ бўляпмиз. Бу дунёда аналоги йўқ тизим деб биламан. Чет эллик ҳамкорларимиз бизга ҳавас билан қарашяпти. Президент бизни кичик тадбиркордан катта бизнесменга айлантирди. Муҳими, фермерларнинг ҳам ерга муносабати ўзгарди. Фермерлар билан шартномаларимиз бозор муносабатларига асосланган. Эндиликда улар топаётган даромадига техника оляпти, ҳосилдорликни ошириш чораларини кўряпти,* – дейди тадбиркор Алишер Собиров.

Маълумотларга кўра, кластер томонидан 2018-2023 йилларда 105 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилиб, йилига 50 миллион долларлик экспорт қуввати яратилган. Эндиликда фабрикада 3 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Иш билан банд аҳоли билан суҳбатлашганимизда, ниҳоятда мамнун эканликларини билдиришди.

*– Неча йил хорижда ишлаганман. Олис юртда топган ўн сўмимдан ўз юртимизда топган беш сўмнинг қадри баланд. Оилам бағрида эканлигимдан мамнунман. Биз бундай корхоналарда ишлашни йиллар давомида орзу қилганмиз,* – дейди Мамлакат Бобожонова. – *Ёшларимиз учун хурсандман. Улар мен каби мусофирлик азобини тортишмайди. Маҳалламизда юзлаб аёллар ишли бўлди.*

Дилфуза Исмоилова ҳам ҳаётига янгича мазмун кирганини, бу ерда турмуш ўртоғи билан бирга ишлаётганини, оиласи ойига 10 миллион сўм атрофида даромад кираётганини айтиб, бундай шароитларни яратиб берган давлат раҳбаридан миннатдор эканлигини билдирди.

Умуман, корхонада ишлаётган барча хонимларнинг юз-кўзларида ҳаётдан розилик ифодасини кўриш мумкин.

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Хоразмликлар Президентнинг "Ҳар бир кун – бу имконият, ҳар бир кун – бу келажак пойдевори» деган сўзларини ўз шиорларига айлантирган. Шу боис ҳам ҳар бир мутасадди мунтазам равишда янги лойиҳалар устида изланади.

Давлат раҳбарининг ташрифи давомида истиқболли лойиҳалар ҳақида ахборот берилди. Маълумотларга кўра, вилоятда чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда машинасозлик, шаҳарсозлик, кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари, тиббиёт, озиқ-овқат каби муҳим тармоқларда умумий қиймати 1,5 миллиард долларлик ўнлаб лойиҳалар ишлаб чиқилган. Тақдимотда шундан умумий қиймати 660 миллион долларлик 18 та лойиҳа ҳақида ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳақида фикрлашиб, уларни жадаллаштириш, тадбиркорларга қўшимча маблағ ажратиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Ташриф давомида Президент, шунингдек, Урганч шаҳридаги «Khorezm Insulation Group» қўшма корхонасини бориб кўрди. Қиймати 41 миллион евролик ушбу лойиҳада базальт хомашёсидан иссиқлик сақловчи плиталар ишлаб чиқарилади. Бунинг учун Германия, Туркия, Россия ва Хитой давлатларидан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилмоқда.

Президент корхона билан танишар экан, маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш, маҳаллийлаштириш даражасини оширишга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Хоразм вилоятига ташрифнинг биринчи куни якунида Президент Шавкат Мирзиёев Энергетика вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» АЖ ва йирик хорижий инвестиция компанияси раҳбарияти билан йиғилиш ўтказди. Йиғилишда вилоятда умумий инвестиция ҳажми 10 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик газ-кимё лойиҳасини биргаликда амалга ошириш масаласи муҳокама қилинди.

## «ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ҚИШЛОҒИМИЗГА ШАҲАРНИ КЕЛТИРИБ БЕРДИ»

Кейинги йилларда нафақат шаҳарлар ёки вилоят марказлари, чекка ҳудудлар ҳам обод бўлмоқда. Хива туманидаги «Истиқлол» маҳалласи қиёфаси буткул ўзгарди. 3 минг 200 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилувчи ҳудудда 10 та ишлаб чиқариш корхонаси, 30 га яқин хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолият кўрсатмоқда. Яқинда маҳалла идораси биноси таъмирланиб, тўлиқ жиҳозланди. Янгиланишлардан, айниқса, маҳалла аёллари хурсанд. Маҳалла биносида ташкил этилган соғломлаштириш хонасида фитнес машғулотлари билан шуғулланаётган онахонлар билан суҳбатлашганимизда, яшаган сайин яшагиси, яшаргиси келаётганини айтишди.

*– Аввало тинч-осуда юртда истиқомат қилаётганимиз учун шукронамиз чексиз. Уй-рўзғордан ортмаган, ўзини ўйламаган аёлларимиз ҳар куни спорт машғулотлари, фитнес билан шуғулланяпти. Бу эса ёшлик завқини ҳис қилишимизга, ҳар доим тетик, бардам-бақувват бўлишига ёрдам беряпти,* – дейди Розия Мамутова. – *Ҳозир аёллар ҳеч нарсага муҳтож эмас. Келинлар биз каби ўчоқда ўт ёқиб овқат пиширмайди. Кечаси туриб тандирда нон ёпмайди. Хамирини қоради-да новвойхонага ташлаб кетади. Ёшларимиз бизга ўхшаб лой кўчаларда юрмайди. Тунги чироқларимизгача ўрнатилган. Шуларни кўриб, ёш бўлайлик деб машғулотларни канда қилмаяпмиз.*

Маҳаллада яшовчи Инобат Салаева узоқ йиллардан бери уйида тикувчилик қиларди. Яқинда субсидия асосида 4 та тикув машинаси олишга муваффақ бўлди. Маҳалла гузаридан унга ҳам хона ажратилди. Тикувчиликка қизиққан тўртта аёлни иш билан банд қилишга эришган Инобат эндиликда фаолиятини янада кенгайтириш ҳақида ўйлаяпти.

*– Ҳар гал янги бир кийимни тикиб тамомлаганимда қалбим яйраб кетади. Буюртмачиларнинг қадами узилмаяпти. Буюртма бераётганлар ҳам ўзимга ўхшаган оддий аёллар. Уларнинг ҳам иқтисодий шароитлари яхшиланаётгани учун рўзғоридан ортиб, кийим-кечак тиктиришга маблағ топяпти. Яхши яшашга, чиройли кийинишга рағбати ошяпти. Бу ҳаётимиз кундан-кунга яхшиланаётганининг ифодасидир, – дейди у.*

Маҳаллада яшовчи Собиржон Матжонов хонадонига Президент ташриф буюрганидан боши осмонда. Қишлоқ хўжалиги ҳадисини олган Собиржон оға томорқасида мўъжазгина иссиқхона қуриб, қулупнай етиштиряпти. Уй шароитида балиқчиликни йўлга қўйди. Юздан ортиқ товуқ, мингга яқин бедана парваришлаяпти.

– *Бу йил ҳосил яхши бўлди,* – дейди Собиржон Матжонов. – *Излаган имкон топади, ҳаракатда барака, дейди халқимиз. Бугун озгина ҳаракат қилсангиз, самарасини қисқа фурсатда кўрасиз.*

*Сирасини айтганда, ўзбек маҳалласи қандай бўлиши кераклигини «Истиқлол« маҳалласи мисолида кўриш мумкин. Ўқув маркази, кутубхона, савдо шохобчалари, хизмат кўрсатиш масканлари, ҳамшира хонаси, меҳмон уйлари... ҳамма-ҳаммаси аҳоли хизматида.*

Президент маҳалла еттилиги билан суҳбатлашди. Фаоллар давлат раҳбарига одамларнинг турмуш тарзи, даромади, ёшларнинг муваффақияти, ишсиз аҳолини доимий ва мавсумий ишларга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, ижтимоий дафтарларга киритилган фуқаролар билан индивидуал ишлаш тизими самараси, ишсизларга деҳқончилик учун ер бериш тажрибасининг Хоразм учун аҳамияти катталигини эътироф этишди.

– *Илгари маҳалламизда 12 нафар тадбиркор бор эди. Ҳозир уларнинг сони 46 нафарга етди,* – дейди МФЙ раиси Отабек Жуманиёзов. – *Эндиликда халқнинг ҳамма муаммоси маҳалланинг ўзида битади. Асосийси, давлат раҳбарининг эътибори натижасида тақдирлар ўзгаряпти, одамларнинг ҳаёти яхшиланяпти.*

## ҚУЁШЛИ ЎЛКАДА ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Жамият тараққий этмоқда. Бу эса энергияга бўлган эҳтиёжнинг тобора ошишига ҳам сабаб бўлиб, масалага тизимли ёндашишни тақозо этади. Давлатимиз раҳбари, айниқса, қайта тикланувчи энергетикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кейинги уч йилда ҳудудларда қуёш ва шамол генерация қувватларини ишга тушириш учун 2 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар жалб қилингани бунинг бир мисолидир.

«Биз бугун амалга ошираётган улкан ишлар энергетика тармоғидаги ислоҳотларнинг навбатдаги қадамидир. Бу чора-тадбирларни тизимли давом эттириб, рақобатли бозор механизмларига босқичма-босқич ўтамиз. Ҳозир мамлакатда 9 гигаваттли 22 та қуёш ва шамол электр станциясини қуриш лойиҳалари устида ишлаяпмиз. Хорижий компаниялар билан сермаҳсул ҳамкорлигимизни тобора кенгайтириб борамиз», деган эди Шавкат Мирзиёев 2023 йил 27 декабрь куни мамлакатнинг олтита ҳудудида 5 та қуёш ва 1 та шамол электр станцияларини ишга тушириш ҳамда тармоққа улашга бағишланган тантанали маросимда.

2022 йил ноябрь ойида Францияга амалга оширилган расмий ташриф доирасида қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида ҳамкорлик борасида келишувларга эришилган эди. Давлатимиз раҳбари Хоразмда Франциянинг «Voltalia» компанияси бош директори Себастьен Клэр билан учрашув ўтказди. Дунёнинг 20 мамлакатида умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган компания қайта тикланувчи энергетика соҳасидаги иншоотларни қуришда бой тажрибага эга.

«Voltalia» билан ҳамкорликда Тупроққалъа туманида қуввати 100 мегаваттли қуёш электр станцияси қурилишига старт берилди.

Маросимда давлатимиз раҳбари бу соҳанинг стратегик аҳамиятини қайд этди.

**– Энергетика саноатида барқарорликка эришиш – глобал интеграция шароитида ҳар бир давлатнинг стратегик мақсади. Айниқса, қайта тикланувчи генерациялар – замонавий тараққиётга эришиш, иқтисодиётни диверсификация қилишда куч-қувват бўладиган асосий «драйвер»лардан биридир,** – деди Шавкат Мирзиёев.

Ўтган йили бошланган «Қуёшли хонадон» дастури доирасида 14 миллиард сўм имтиёзли ресурслар ажратилганлиги, солиқ имтиёзлари берилиши, эҳтиёждан ортиқча электрни давлат томонидан кафолатли харид қилиш тизими йўлга қўйилганлиги қисқа фурсатда ўз самарасини бера бошлади. Жумладан, Хоразмда ҳам 2 мингдан зиёд хонадон ва 855 та тадбиркор 15 мегаваттли қуёш панелларини ўрнатиб, улар томонидан эҳтиёжидан кўп ишлаб чиқарилган 320 минг киловатт-соат электр энергияси давлат томонидан сотиб олинди.

2030 йилга бориб, аҳолиси 40 миллиондан ортадиган Янги Ўзбекистон иқтисодиёти учун зарур бўлган энергиянинг 40 фоизини «яшил энергия» ҳисобидан қоплаш белгиланган.

Тупроққалъа туманида қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши натижасида йилига 254 миллион киловатт соат «яшил энергия» ишлаб чиқарилади. Бу эса Хоразм вилояти йиллик электр энергияси истеъмолининг 11 фоизини қоплайди. Ушбу станцияни йил якунигача тармоққа улаш режалаштирилган.

– *Тупроққалъада қуёш радиацияси яхши бўлганлиги, чўл ерлари кўплиги учун ушбу туман танланган,* – дейди Энергетика вазирлиги бўлим бошлиғи Фитратилла Набиев. – *Бу лойиҳа ишга тушса, Хоразм вилоятида электр энергияси ишлаб чиқариш қувватлари 30 фоизга ошади.*

– *Қуёш электр станцияси қурилиши бошланишига бағишланган йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган фикрларни эшитиб, она сифатида фарзандларим тақдиридан хотиржам тортдим,* – дейди тарих фанлари номзоди, Урганч давлат университети доценти Шоира Нуруллаева. – *Қуёшли ўлка таърифини олган Хоразмга бундай иншоот жуда ярашади. Энергия ва қишлоқ хўжалигини бирлаштириш усулидан фойдаланиб, қуёш панеллари остида сабзавот ва полиз экинлари етиштирилиши, аҳолининг хавфсиз озиқ-овқатга бўлган талабини қондиришга ҳам хизмат қилади. Қанчадан-қанча газ тежалади. Янги иш ўринлари яратилади.*

– *Бу лойиҳа Ҳазорасп ва Тупроққалъа туманларида 85 минг хонадонни электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш, йилига 76 миллион куб газни тежаш, янги иш ўринлари яратиш имкониятларини кенгайтиради. Қолаверса, атмосферага 106 минг тонна зарарли моддалар чиқишининг олди олинади. Бу эса, шубҳасиз, қисқа фурсатларда аҳолининг турмуш шароитларида ўз самарасини кўрсатади. Ҳаёт қанчалик фаровонлашса, саломатлигимиз шунча мустаҳкам бўлади. Келажак эгаларининг ўз орзу-умидлари йўлида интилишлари учун шароитлар яратилади,* – дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Рашид Рўзибоев.

Давлатимиз раҳбари бундай инновацион лойиҳалар Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги кўпқиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлаб, инвестор ва муҳандисларга миннатдорлик билдирди.

**– Барчангизни нафақат Хоразм вилояти, балки бутун мамлакатимиз иқтисодиётига янги руҳ ва нафас олиб кирадиган мана шундай янги қувватлар билан табриклайман,** – деди Президент.

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

2024 йилнинг 1 март санаси. Хоразм халқи бу санани ҳали узоқ йиллар ёдда сақлайди. Шу куни Президент илгари сурган ғоялар, таклиф ва ташаббуслар ҳар бир қалбга баҳор насимини олиб кирди.

Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари юзасидан ўтказилган йиғилишда воҳани ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим бўлган масалалар таҳлил қилинди. Юртимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳолига муносиб яшаш шароитларини яратиш, бандликни таъминлаш бўйича барча куч ва имкониятлар сафарбар этилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари вилоятдаги захираларни ишга солишнинг янги имкониятларини белгилаб берди. Хоразмликлар меҳнаткаш, интилувчан, изланувчан, янгилик яратувчи халқлигини, уларга фақат шароит яратиб бериш кераклигини таъкидлади.

Муҳокама қилинган тадбирларга 1,1 миллиард доллар ва 10 триллион сўм йўналтирилаётганлиги ҳудуднинг яқин келажагини ёрқин тасаввур қилиш имконини беради.

– *Президентимиз ҳар доимгидек улкан энергия, шижоат, бебаҳо ғоялар билан келди. Кичик ва ўрта бизнесни янада қўллаб-қувватлаш, саноатни ривожлантириш, Урганч тумани Чакка-шоликор қишлоғида технопарк ташкил қилиниши, Урганч шаҳридаги Махсус тиббиёт индустриал паркига 50 миллион долларлик 12 та лойиҳа жойлаштирилиши, Хоразмда Хитой тажрибаси асосида «уй саноати» ривожлантирилиши... Буларнинг ҳар бири минглаб, миллионлаб инсонларнинг ҳаётини ўзгартирувчи лойиҳалардир,* – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева. – *Улар турмуш фаровонлиги ошишига, ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига хизмат қилади. Бу Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатида шаклланганлиги, бундан кейин ҳам барча ислоҳотлар инсон қадрини юксалтириш учун амалга оширилишини англатади. Хоразм халқи буларнинг бари учун давлат раҳбаридан миннатдор ва бу лойиҳаларнинг қисқа фурсатда амалга ошиши учун ўз ҳиссасини қўшишдан манфаатдордир.*

– *Давлатимиз раҳбари Хоразмга келишидан бир кун олдин «Хоразм вилоятида тадбиркорларга қулай шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилинган эди. Унга мувофиқ, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБга беш йил муддатга 14 фоиз ставкада 100 миллион АҚШ доллари эквивалентида кредит ресурслари ажратилади. Давлатимиз раҳбари хоразмлик фаоллар билан учрашувда Хоразм тадбиркорлари учун қатор имтиёзлар белгиланганлигини, жумладан, импорт ускуналар, эҳтиёт қисм ва хомашё 5 йилга божхона тўловидан озод қилиниши, қўшилган қиймат солиғини 180 кунга кечиктириб тўлашга рухсат берилишини айтиб ўтди. Бундай имтиёз ва имкониятлар воҳанинг янада тараққий этишига хизмат қилади. Ҳар бир юртдошимизга ўзининг тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга имконият беради,* – дейди тадбиркор Сардор Ибрагимов. – *Биз фаолият бошлаган даврларимизда имкониятлар ҳозиргидек салмоқли эмасди. Катта йўлга тушиб олгунча кўп машаққатли довонларни ошиб ўтганмиз. Бугун берилаётган имкониятлар эса тадбиркорлик ривожида, пировардида юртимиз иқтисодиёти янада юксалишида, ҳаётимиз янада фаровон бўлишида муҳим аҳамиятга эга.*

Президент Хоразмнинг асосий драйверидан бири бўлган туризмни ривожлантириш бўйича 3 йиллик дастур қабул қилинишини айтди. Жумладан, сайёҳларга бир йил давомида чекловсиз Хоразмга кириш учун «Ўзбекистон – менинг иккинчи уйим» виза тизими жорий қилинади. Меҳмонхона ва дам олиш масканларини қуриш, мавжуд ўринларни кўпайтириш учун 7 йилга 2 йил имтиёзли давр билан 18 фоиз ставкада кредитлар берилади.

– *Юртбошимиз ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиш, хорижий давлатлардан шўр тупроққа чидамли пахта навларини олиб келиб, Хоразм шароитида етиштиришни ташкил қилиш, Урганч шаҳрида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш лабораторияси ташкил этиш, вилоятдаги фермер ва кластерларга мингта техникани лизинг асосида етказиб бериш, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш, «Тошсоқа каналини тиклаш» лойиҳаси 2-босқичи доирасидаги ишларни жадаллаштириш, Тупроққалъа, Шовот ва Янгиариқда минг гектарни ёпиқ суғориш тизимига ўтказиш бўйича қатор ташаббусларни илгари суриб, зарур топшириқлар берди,* – дейди халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Шавкат Сафарбоев. – *Аҳолисининг катта қисми қишлоқларда яшовчи воҳа учун булар жуда муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши бошқа тармоқларнинг ҳам ривожига хизмат қилади. Президентимиз билдирган таклифлар юз йиллар оша воҳа ҳаётининг тобора яхшиланиб боришига хизмат қилади.*

Шу куни давлатимиз раҳбари Урганч шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди номидаги ҳарбий-академик лицей ҳамда бу ердаги таълим жараёнлари билан танишди. Ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди. Жалолиддин Мангубердининг ватанпарварлиги, жасорати ёш авлод учун ибрат эканлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, ҳеч бир соҳа давлат раҳбарининг эътиборидан четда қолмади. Асосийси, олдга қўйилган вазифаларнинг барчасини амалга ошириш учун зарур маблағлар ажратилиши, ҳар бири бўйича индивидуал ечим таклиф қилинганлигидир.

Ҳа, буларнинг барчаси Хоразм диёри, пировардида она Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилажак.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА**
*«ISHONCH»*

*МАНА ШУ АЗИМ ДАРЁНИНГ ИККИ СОҲИЛИДА, ШУНДАЙ ЁРУҒ КУНЛАРНИ ОРЗУ ҚИЛИБ ЯШАБ КЕЛАЁТГАН МИНГ-МИНГЛАБ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ УМИДЛАРИ РЎЁБГА ЧИҚҚАН ТАРИХИЙ КУН БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**



**Сирожиддин САЙЙИД, Ўзбекистон халқ шоири**

*Қасида*

## ЯНГИ ЗАМОН КЎПРИГИ

*Қани шоир, замон юкин сен ҳам илдам орқала,*
*Замонангдан қолма асло бир қадам ҳам орқада.*

*Кеча-кундуз тиним билмас, зўр шиддат, гулдуроси,*
*Бедор бўл дер, бедор бўл дер, бедор замон дарёси.*

*Ўкиздарё, Амударё, Жайҳундарё, жон дарё,*
*Қадим элга ўзингдирсан қадим шараф-шон дарё.*

*Бир ён Хоразм элию, бир томон – Қорақалпоқ,*
*Уч минг йиллик манзил гўё у қирғоқ то бу қирғоқ.*

*Қўш соҳилда сабрлари жарлар каби емрилган,*
*Асрларким, икки элат бир-бирига термилган.*

*Оралиқда оққан дарё гўё ҳажру фироқдир,*
*Қошу кўздан яқинроғу, асрларча йироқдир.*

*Зиддиятга тўлиқ дунё, низоларга – даҳри дун,*
*Ярим дунё бағриқону, ярим дунё – жигархун.*

*Бизнинг мақсад эзгуликдир, тўлдиргаймиз камини,*
*Хуш муждалар кўмсин деймиз бутун рўйи заминни.*

*Ҳар тонг, ҳар он еткизгайдир ҳар бир учган қуш хабар,*
*Бу тонг саҳар Хоразмдан келди янги хушхабар:*

*Элнинг орзу-армонлари яна бир бор уйрилмиш,*
*Амударё узра улкан янги кўприк қурилмиш.*

*Дилимизда, тилимизда фахру ғурур, шукрона,*
*«Ҳайё-ҳуйт» деб Хоразмга томон бўлдик равона.*

*Ҳали Мўйноқ ҳайратларин сеҳри тарқалмай туриб,*
*Қаршимиздан бир мўъжиза чиқди озод қад кериб.*

*Бир кўприкким, андозаси бўлмаган бу арода,*
*Асрларни, даврларни боғлаган бир маъвода.*

*Шовот томонлардан келсанг дилда жўшиб ғайратлар,*
*Борлиғингни чулғаб олар завқу шавқ ва ҳайратлар.*

*Қадим тупроқ, туғларинг ҳам туғроларинг бор бўлсин,*
*Султон Увайс тоғларинг ҳам Куброларинг бор бўлсин!*

*Берунийнинг, Хоразмийнинг арвоҳлари шундадир,*
*Огаҳийнинг бедор, огоҳ нигоҳлари шундадир.*

*Сен ўзингсан булбулларга ҳаво бахш этган диёр,*
*Махтумқули Фироғийга наво бахш этган диёр.*

*Ажиниёз боболарнинг худди шеър, лапарлари*
*Мисол кетар келажакка темир йўл шпаллари.*

*Қолган гапни, майли энди, Бердах бобо айтсинлар,*
*Поезд миниб, Хевоқларни бир сайр этиб қайтсинлар.*

*Асрлардай кечди халқим, нурсиз ою йилларинг,*
*Аваз Ўтарларинг ўтди, ўтди Ибройимларинг.*

*Санъатингни бор оламга кўприк этмиш Ўзи ҳақ,*
*Эй, дунёга Комилжондай ҳофизларни берган халқ,*

*Ҳали бунга «чуғур-чуғур» сайёҳларинг келгайлар,*
*Ярқираган вагонларда саболардай елгайлар.*

*Икки миллён йўловчининг қувончин тасаввур қил,*
*Тасаввур қил, сўнг бекатда ўлтириб тафаккур қил.*

*Бир кўприкким, карвонларинг давронларга қоришгай,*
*Тўрт миллёнли элнинг кўнгли бир офтобдай ёришгай.*

*Миллат отасининг нохос кўзларида балққан ёш,*
*Бу минг йиллик армон эрур, бу бир асрлик бардош.*

*Қани шоир, замон юкин сен ҳам илдам орқала,*
*Замонангдан қолма асло бир қадам ҳам орқада.*

*Яқинроқдир қошу кўздан ўғил-қизнинг киприги,*
*Янги замон кўприги бу! Янги замон кўприги!*

*Ватан иғвогарларига менинг айтар гапим бор:*
*Бизда мақсад кўприкларин таянчлари устувор.*

*Ҳурмат учун отдан тушиб, таъзим айлаб кутарди,*
*Султон Жалолиддин бундан от етаклаб ўтарди.*

*Кўриб янги биноларин Янги замон меъморин,*
*Не деб ривоят сўйларди Исломхўжа минори?*

*Ўйламангким, манзилларга қурилган кўприкдир бу,*
*Кўнгиллардан кўнгилларга қурилган кўприкдир бу.*

*Кеча-кундуз тиним билмас зўр шиддат, гулдуроси,*
*Бедор бўл дер, бедор бўл дер, бедор замон дарёси.*

*Инсон умри гарчи бир хас, мисоли бир киприкдир,*
*Бир авлодни минг авлодга боғлагувчи кўприкдир.*

*Сиз ҳам Замон Меъморидай меъмор бўлинг, элдошлар,*
*Бедор бўлинг, бедор бўлинг, бедор бўлинг, элдошлар!*

**26-28.02.2024 йил**





# УМИДЛАР РЎЁБГА чиққан тарихий кун

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсуповнинг «Жайҳун шамоллари» шеърини жуда кўпчилик ёд билади. «Атиргул териб чўллардан», «Ҳаёт жўш урса не чоғли», «Ҳамма фаслинда навбаҳор», «Умримнинг боқий сабоси» каби ташбеҳу ўхшатишлар шеърхонни ҳам қувонтириб, ҳам куюнтиради. Шоир чўлларда атиргул теришга қодир бўлган Хоразм, Қорақалпоқ аҳлини чин дилдан бошига кўтарган, Жайҳуннинг икки соҳилида аҳил-иноқ яшаётган қондош халқларнинг бахтли турмуш кечиришини кўриш ижодкорнинг азалий орзуси бўлган.

***Жайҳун дарё тошиб, мавж***
***уриб оқиб,***
***Ватан ерларига оби***
***раҳматлар ёғиб,***
***Қутга, баракага тўлиб тўрт ёғи***
***Хоразм, Қорақалпоқ гулистон***
***бўлсин.***

деб ёзади Ибройим Юсупов бир шеърида.

Амударё узра қурилган маҳобатли муҳташам кўприкнинг фойдаланишга топширилиши беихтиёр шу сатрларни ёдга солди. Ҳайбатли кўприкнинг бунёд этилиши билан нафақат улуғ шоирнинг, миллионлаб инсонларнинг орзуси ушалди. Хоразм, Қорақалпоқ гулистон бўлиши учун мустаҳкам замин бу.

Кўприк қуриш энг хайрли амаллардан саналаши бежиз эмас. Халқимиз бундай кўприкларни ўн, юз йил эмас, минглаб йиллар давомида кутишган.

Аждодларимизга насиб қилмаган бахтга биз эришдик. Бу, шубҳасиз, халқни рози қилишга, юртни обод этишга қаратилган сиёсат самарасидир.

Нукусда таҳсил олганим туфайли талабалик йилларимда Қипчоқдаги понтон кўприкдан неча маротаба ўтишимга тўғри келган. Йиллар давомида кўприкнинг ноқулайликлари ортиб бораверди. У тез-тез таъмирланар, машина кўприкка тегиб қолмасин деб биз йўловчилар пиёда ўтардик. Қишнинг қировли кунларида ишламаган вақтлари ҳам бўлган.

Шунинг учун 2020 йилнинг декабрида давлат раҳбари Хоразм вилояти фаоллари билан учрашувда Амударёда темир йўл ва автомобиль кўпригини бунёд этиш ташаббусини илгари сурганида ҳар икки соҳил аҳолиси бирдай суюнган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, кўприк қурилиши бошланди. Президент икки марта қурилиш жараёнларини келиб кўрди.

**«Бу одамлар узоқ йиллар кутган лойиҳа. Энди янада кўп йиллар халқимизга хизмат қилиши керак. Шунинг учун биринчи ўринда сифат. Ажратилган маблағ кичкина эмас. Тажрибали мутахассисларни жалб этиб, ҳар бир жиҳатни ўйлаб, элимга, юртимга деб қуриш керак»,** деган эди Шавкат Мирзиёев қурилиш жараёни билан танишган чоғида.

Жадал давом этган қурилиш орзулар томон ташланган устувор қадам бўлди. Икки йилда Янги Ўзбекистоннинг қудратини намоён қилувчи ҳайбатли кўприк қад ростлади.

2024 йилнинг 29 февраль санаси. Халқнинг минг йиллик орзуси ушалган, янги давр шабадасини олиб келган кун. Кўприкнинг иш бошлагани ҳақидаги хушхабар миллионлаб инсонларни руҳлантирди.

Давлат раҳбари иштирокида Амударё туманида янги кўприкнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Президент дастлаб поездда ва автомобилда юриб, кўприк сифатини кўздан кечирди.

**«Оролбўйи минтақасини, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш, аввало, экологик инқироз оқибатларини юмшатиб, мураккаб вазиятда яшаётган аҳолимизга қулай шароитлар яратиш мамлакатимиз Тараққиёт стратегиясининг бош мақсадларидан биридир. Илгари ҳам айтганимдек, Қорақалпоғистоннинг тақдири – бу Ўзбекистоннинг тақдири, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги – бу бутун Ўзбекистон халқининг бахти ва фаровонлигидир. Бугун мана шу эзгу мақсадни амалга ошириш йўлида яна бир улкан қадам қўймоқдамиз»,** – деди Шавкат Мирзиёев жамоатчилик иштирокидаги йиғилишда.

Замонавий кўприкнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ҳақида сўз кетганда, қалбимизда ёришган нур янада нурафшонлашади. Унга қараб туриб, шиддатли янгиланишлар билан одимлаётган Ўзбекистон карвонининг бўй-бастини кўргандай бўламиз. Узунлиги 423, баландлиги 11, эни 8 метрдан баланд бўлган кўприк нафақат икки қирғоқни туташтиради, балки ҳудуднинг жадал ривожига бемисл хизмат қилади.

– *Тантанали маросимда Юртбошимиз мазкур кўприк қурилишининг аҳамияти ҳақида гапирар экан, паромда дарёни кечиб ўтиш халқимиз учун қанчалик қийинчилик туғдирганини қайд этди. Буни паромдан ўтиб кўрган киши ҳис қилади, деб қайта-қайта таъкидлади. Буни икки нафар фарзандимни уйда қолдириб, илм йўлларида изланаётган 27 ёшимда мен ҳам ҳис қилганимни юрагимдан яна бир ўтказдим,* – дейди шоира, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Сайёра Самандарова. – *Бу кўприк Амударёнинг ҳар икки қирғоғида яшовчи юртдошларимизнинг асрий орзусини рўёбга чиқарди. Президентимиз ушбу кўприк менинг ҳам орзуим эди деганида, бу туйғу ҳар бир юртдошимизнинг қалбида бўлганлигини англадим...*

– *Ақлимни таниганимга 70 йилдан ошди. Бундай гўзал, ҳайбатли кўприк қурилади, деб тасаввур ҳам қилмагандик. Понтон кўприк маънан эскирган эди. Хизматини ўтаб бўлганидан кейин ҳам ундан анча фойдаландик. Эътибор йўқлиги туфайли янгисини қуриш кун тартибидан тушиб қолаверди. Президентимизнинг халқимизга бўлган меҳри, ғамхўрлиги туфайли афсонавий кўприк барпо этилди. Қорақалпоғистон халқи Президентимиздан автомобиль кўприги қуриб беришни сўраганди. У киши зиёдаси билан илтимосимизни бажарди. Бир йўла ҳам темир йўл, ҳам автомобиль кўпригига эга бўлдик. Ундан биринчилардан бўлиб ўтиш менга ҳам насиб этди. Кўприк юз йиллар давомида тараққиётга хизмат қилишига ишонамиз,* – дейди қорақалпоғистонлик меҳнат фахрийси Бекмон Оллаберганов. – *Президентимиз халқимизни, Аллоҳни рози қиляпти. Энди болаларимнинг, невараларимнинг келажагидан кўнглим тўқ.*

Қурилиш ишлари «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг буюртмасига кўра, «Боштранслойиҳа» акциядорлик жамияти томонидан лойиҳалаштирилиб, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Кўприк қурилиш трести» унитар корхонаси томонидан амалга оширилди.

– *«Шовот-Қораўзак» бекатларини боғлайдиган 85 километрлик темир йўл ҳамда 3 та вокзал ҳам барпо этилди. Бу жараёнда фаол иштирок этган касаба уюшма аъзоларига қулай иш шароитлари яратиш учун барча чораларни кўрдик,* – дейди Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Қутлимурот Собиров. – *Кўприк икки тарафга қараб 24 жуфт поездни ўтказиш имкониятига эга. Натижада темир йўл масофаси 180 километрга, юк ташиш тезлиги эса 6 соатгача қисқаради. Бу маҳаллий юкларни ташиш ҳажмини йилига 2 баробарга ошириш ва ташиш таннархини 2 баробарга камайтириш имконини беради.*

Шунингдек, йўлнинг автомобиль ўтказиш қобилияти 4 баробарга ортиб, бир кеча-кундузда 12 минг автомобиль ҳаракатланишига имконият яратилди. Бу эса камида 48 минг йўловчининг 2 соат вақти тежалади ва дарёдан хавфсиз ўтиши таъминланади, деганидир.

Бундан ташқари, Қораўзак конларидан тош энди поездларда ташилади. Бу Оролбўйи минтақасидаги 4 миллион аҳоли ва туристларга хизмат кўрсатувчи автомобиль йўлларини сифатли сақлаш имкониятини ҳам яратмоқда. Ахир йўллар шу пайтгача таъмирланганидан сўнг кўп ўтмай яна эски ҳолига қайтиб, ўйдим-чуқур бўлиб қолаётганди-да...

Янги кўприкнинг барпо этилиши мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини бир неча баробар оширишга имкон беради. Боиси, ушбу темир йўл орқали Қозоғистон ва Россияга ҳам янги йўналишлар очилади.

Давлатимиз раҳбари кўприкни барпо этишга муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга миннатдорлик билдирди. Аҳолига қулайлик яратишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилиши таъкидланди.

Бу йил Бухоро-Урганч-Хива, келгуси йилдан Мискин-Нукус темир йўли электрлаштирилиб, Хива ҳамда Нукус шаҳарларига тезюрар поездлар қатнови йўлга қўйилади. Бу эса аҳолининг бошқа ҳудудларга бориб-келишини янада осонлаштиради. Транспорт харажатлари 2 баробар қисқариб, йўловчи ташиш 30 фоизга ошади.

Ушбу йирик лойиҳаларнинг Оролбўйи иқтисодий салоҳияти, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишдаги аҳамияти ниҳоятда катта.

Президентимиз айтганидек, **«Биз биргаликда бунёд этган бу муҳташам кўприк шунчаки навбатдаги инфратузилма иншооти эмас. Бу кўприк аввало ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги мустаҳкам ишонч ва дўстлик, оғзибирлик ва ҳамкорлик кўпригидир. Бу йўл жаҳонга очилаётган Янги Ўзбекистон, Янги Қорақалпоғистоннинг тараққиёт ва фаровонлик йўлларидир».**

**Юлдуз РЎЗМЕТОВА**

**Жадал давом этган қурилиш орзулар томон ташланган устувор қадам бўлди. Икки йилда Янги Ўзбекистоннинг қудратини намоён қилувчи ҳайбатли кўприк қад ростлади. 2024 йилнинг 29 февраль санаси. Халқнинг минг йиллик орзуси ушалган, янги давр шабадасини олиб келган кун. Кўприкнинг иш бошлагани ҳақидаги хушхабар миллионлаб инсонларни руҳлантирди.**

**Қурилиш ишлари «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг буюртмасига кўра, «Боштранслойиҳа» акциядорлик жамияти томонидан лойиҳалаштирилиб, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Кўприк қурилиш трести» унитар корхонаси томонидан амалга оширилди.**

# KOʻZGU

Mard yigitning ishi suhbat – soz boʻlar,
Koʻngli qish boʻlmayin, doim yoz boʻlar.

Maxtumquli

2024-YIL 2-MART,
SHANBA
№ 29 (4937)

Хоразм вилояти

**Мушоира**

## ЁРГА ВАФО, ВАТАНГА САДОҚАТ

**Қишнинг залворли кунлари поёнига етиб, баҳорнинг илк кунида гўзаллик, меҳр-муҳаббат, бахт куйчиси Зулфияхоним таваллудини нишонлаймиз. Шоира ижоди бамисоли ўзбек хотин-қизлари ҳаёти тараннум этилган куйдир. Биз соҳир қалам соҳибасига ҳавас қилибгина қолмай, ундан Ватанга муҳаббат, ёрга вафо, юртга садоқатни ўрганамиз. Ёшларга улуғ шоира ҳаётини ибрат қилиб кўрсатамиз.**

Мактабимизда шоира ижодига бағишлаб мушоира уюштирилди. Ўқувчи қизлар орасида «Зулфияхоним издошлари» танлови ўтказилди. Унда қизларимиз шоира образини саҳналаштирдилар. Унинг қаламига мансуб баҳру байтларни тўлқинланиб тилга олдилар.

Зеро, миллий анъана ва қадриятларни қадрлаш долзарб аҳамият касб этаётган шароитда ҳар бир қиз ўзини бир лаҳза бўлса-да Зулфияхоним образида тасаввур қилиб кўрса, ҳаётга, атрофга муносабати ўзгариши, руҳиятида меҳр ва ғурур шаклланиши осон кечади.

Тадбир ғолиблари мактаб касаба уюшма қўмитаси томонидан муносиб тақдирланди.

**Фарида ХЎЖАМЕТОВА,**
*Тупроққалъа туманидаги 8-умумтаълим мактаби ўқитувчиси*

Навоий вилояти

**Тадбир**



## ФАОЛЛАР БЕФАРҚ ЭМАС

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши ташаббуси билан аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш вилоят ҳудудий бўлими масъуллари ҳамкорлигида жабру-ситамга, зўравонликка дуч келган опа-сингилларимиз ҳуқуқларини мустаҳкам ҳимоя қилиш, психологик ёрдам кўрсатиш ва жамиятда соғлом турмуш тарзини яратишга бағишланган тарғибот-ташвиқот тадбири ўтказилди.**

Тадбирни вилоят кенгаши раҳбари Назира Тоғаева кириш сўзи билан очар экан, тизим фаоллари ушбу масалага асло бефарқ эмаслигига алоҳида тўхталди.

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш вилоят ҳудудий бўлими директори Наргиза Эрмаматова ҳамда психолог Маъмура Шукурова жойларда намунали оилалар сафини кенгайтириш, айниқса, турли баҳоналар билан камситилаётган оналар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, баъзи бир оилаларда ота номига номуносиб хатти-ҳаракатлари билан ожизалар ҳамда гўдакларга руҳий босим ўтказаётган эркаклар билан ишлаш, уларни даволаш, соғлом ҳаётга қайтариш масалаларида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир сўнгида иштирокчилар меҳрибон ота, соғлом она, бахтли фарзандлар ва аҳил оила мавзусидаги саволларига мутасаддилар томонидан атрофлича жавоб олдилар ва бундай тарғибот-ташвиқот ишларини узлуксиз ўтказиб бориш истагида эканликларини билдирдилар.

**Нафиса ҲАБИБУЛЛАЕВА,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгашининг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси*

**Эълонлар**

«Sport» Ўзбекистон миллий телерадиоканали томонидан 2023 йил 15 февралда Орипхонова Наргиза Игамбердиевна номига берилган 3207 рақамли рухсатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

***

Тошкент вилоятидаги «Elevation house» масъулияти чекланган жамияти ўз устав фондини камайтираётганини маълум қилади.

Жиззах вилояти

**Мини-футбол**

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши ташаббуси билан Жиззах шаҳридаги «Футбол Академияси» спорт мажмуасида мини-футбол бўйича «Касаба уюшма кубоги» учун тармоқлараро мусобақа ўтказилди.**

## ҲАММА ҒОЛИБЛИККА ИНТИЛДИ

Унда касаба уюшмалари таркибидаги 8 та жамоа иштирок этди. Қизғин ва муросасиз курашлар остида кечган баҳслар якунида биринчи ўринни Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг мини-футбол гуруҳи эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Таълим ва фан ҳамда Маданият, спорт ва туризм касаба уюшмалари вакилларига насиб этди.

Ташкилотчилар томонидан мусобақа ғолибларига «Касаба уюшма кубоги», диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ**
*«ISHONCH»*

* * *

Бухоро вилояти

**Мусобақа**

## СПОРТНИ СЕВ ВА СПОРТ БИЛАН ЯША

**Бухоро минтақавий темир йўл узели филиали ҳудудий касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан Когон шаҳар маҳаллалари ва темирйўлчилари ҳамкорлигида «Орзу» спорт мактабида «Спортни сев ва спорт билан яша!» шиори остида спартакиада ташкил этилди.**

Унда Бухоро минтақавий темир йўл узели филиалининг Бухоро ҳудудида фаолият юритувчи ишчи-ходимлар ҳамда маҳалла вакиллари қатнашди.

Биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган иштирокчилар ҳамда спорт мусобақасида фаол қатнашганлар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Насиба БОБОМУРОДОВА**

## ҲАМДАРДЛИК



«TÜRK-IŞ» Туркия касаба уюшмалари Конфедерацияси президенти ўринбосари ва «Турк металл» касаба уюшмаси фахрий раиси, Халқаро Евроосиё металлистлар Федерацияси раиси Певрул КАВЛАК узоқ давом этган хасталикдан сўнг шу йилнинг 24 февралида Анқара шаҳрида вафот этди.

1962 йили Кириккале шаҳрида туғилган Певрул Кавлак ўз ҳаётини касабачилик ҳаракати билан чамбарчас боғлади. Туркия касаба уюшмалари тизимида узоқ йиллар турли масъул лавозимларда ишлаб, меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб иш шароитлари яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш йўлида фидокорона меҳнат қилди.

Певрул Кавлак «TÜRK-IŞ» Туркия касаба уюшмалари Конфедерацияси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг жадал ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. Унинг Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти фаолиятини йўлга қўйишдаги хизматлари ҳам эътирофга лойиқ.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва жамоаси Туркия касаба уюшмаларининг етук намояндаси, атоқли жамоат арбоби, турк халқининг фидойи фарзанди Певрул КАВЛАКнинг вафоти муносабати билан «TÜRK-IŞ» Конфедерацияси, «Туркметалл» касаба уюшмаси ҳамда марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**Сана**

# «Бахтим шул – Ўзбекнинг Зулфиясиман»

1 МАРТ – ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЗУЛФИЯХОНИМ ВА ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ ТУҒИЛГАН КУН. ПОЙТАХТИМИЗДАГИ АДИБЛАР ХИЁБОНИДА ИККИ УЛУҒ ИНСОН ИЖОДИ ВА ШАХСИГА АЛОҲИДА ҲУРМАТ КЎРСАТИЛДИ. ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ 109 ЙИЛЛИГИ, ОЗОД ШАРАФИДДИНОВНИНГ 95 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ.



## ИНСОНЛАР ОРЗУСИН КУЙЛАГАН ШОИРА

*Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Тошкент тиббиёт академияси билан ҳамкорликда Халқ шоири Зулфия Исроилова таваллудининг 109 йиллиги муносабати билан Адиблар хиёбонида «Бахтим шул – Ўзбекнинг Зулфиясиман» деб номланган тантанали тадбир ўтказилди.*

*Давлат ва жамоат арбоблари, зиёлилар, ёзувчилар, шоирлар, ёш ижодкорлар, кенг жамоатчилик ва Зулфияхоним оила аъзолари иштирокидаги тадбир шоира ҳайкали пойига гул қўйиш маросими билан бошланди.*

*Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо очиб берди. Шундан сўнг Тошкент тиббиёт академияси проректори Турдиқул Бобомуротов, «Саодат» журнали бош муҳаррири Мунаввара Усмонова сўзга чиқиб Зулфияхонимнинг ҳаёт йўли ва ижодининг энг юксак жиҳатларига тўхталди.*

*Шоиралар – Зулфия Мўминова, Гулжамол Асқарова адибага, баҳорга бағишланган байтларини ўқидилар. Тошкент тиббиёт академияси талабалари ҳамда Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари бадиий чиқишлар билан тадбирга янада файз киритишди. Зулфияхоним шеърлари, шоира ҳаётини акс эттирувчи саҳна кўринишлари йиғилганларга манзур бўлди. Шу билан бирга, академия томонидан «Зулфия» стипендияси номзодлари ва танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Шуҳрат Дарё ва бошқа санъаткорларнинг куй-қўшиқлари янгради.*



Аҳмад ТЎРА олган суратлар

## «АДАБИЁТ ЯШАСА – МИЛЛАТ ЯШАР»

*Тадбир Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов таваллудининг 95 йиллигига бағишланган «Адабиёт яшаса – миллат яшар» мавзусидаги маънавий-маърифий кечага уланиб кетди.*

*Дастлаб олим ҳайкали пойига гул қўйилди.*

*Озод Шарафиддиновнинг ўғли Алишер Шарафиддинов, Ёзувчилар уюшмаси раиси биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, профессор Шерзодхон Қудратхўжа Ўзбекистон Қаҳрамони, буюк олим ҳақида илиқ фикрларини баён этишди.*

*Сўзга чиққанлар Озод Шарафиддинов ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида миллий ва жаҳон адабиёти анъаналарини уйғун қабул қилиш тамойилларини бошлаб бергани, миллий адабиётни шакллантириш муаммолари, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигини қайта қуриш, жаҳон адабиёти анъаналарини ўзлаштириш ҳамда таржима санъатини юксалтириш масалаларини тадқиқ этганини таъкидлашди.*

*Тадбир сўнгида Озод Шарафиддинов номли махсус стипендия танловининг 10 нафар ғолиби тақдирланди.*

**Фозил ФАРҲОД**

**МУАССИС:**
Oʻzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

*2007-yil 11-yanvarda Oʻzbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan roʻyxatga olingan.*

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV *(tahrir hay’ati raisi)*,
Ulugʻbek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira GʻOYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi oʻrinbosari)*,
Mehriddin SHUKUROV *(Mas’ul kotib – «Ishonch»)*,
Valentina MARSENYAK *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Boʻlimlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpogʻiston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-99) 889-98-02
**Navoiy viloyati –** (+998-99) 889-90-28
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Fargʻona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi koʻrsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** Z. Rixsiyev

**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 21:30
**Topshirildi –** 22:00

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro koʻchasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr koʻrsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 35 087 та**
**Shundan:**
**7431 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon koʻchasi, 41-uyda;
**19 182 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen koʻchasi, 270-uyda;
**8474 nusxasi** «Poligraf-Press» MChJ bosmaxonasi – Margʻilon shahri, Turkiston koʻchasi, 236-«b» uyda
**chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma G 311**

1 2 3 4 5 6